



ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Унда мамлакатимиздаги иқтисодиёт ва бошқарувни ислоҳ қилиш доирасида эришилган натижалар ва бу борадаги келгуси режалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари барча муҳим йўналишлардаги янгиланишларга тўхталар экан, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, давлат бошқарувида трансформация жараёнларини, шунингдек, рақамлаштириш ва инвестицион жозибдорлик борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Сума Чакрабартини дунё иқтисодиётидаги мураккаб вазиятда Ўзбекистон томонидан қўрилатган самарали чора-тадбирлар иқтисодий

ислохотларнинг динамикасини таъминлаётганини таъкидлаб, бу соҳадаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янги босқичда давом эттиришни қўллаб-қувватлади.

Учрашувда кун тартибидagi бошқа муҳим йўналишлар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА Бугунги кун талаби, тараққиёт истиқболи



Решид Ганиев олган сурат.

Самарадорлиги паст ва ҳаражати катта, атроф-муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатиб, кўп ресурс талаб этадиган иқтисодиётнинг эски моделини енгиб ўтиш бугуннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодиёт учун юк деб ҳисобланадиган анъанавий моделдан экологик ривожланишнинг двигатели бўлган “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш йўлида ўз сиёсатларини тубдан қайта кўриб чиқмоқда. Бинобарин, янги глобал “яшил” тараққиёт жаҳон иқтисодиёти ва молиявий тизими барқарорлигини таъминлайди.

Ўзбекистонда, ресурстежамкор, чиқитсиз ёки кам чиқитли технологиялар кенг қўлланиладиган, иссиқхона газлари паст даражада чиқариладиган, атроф-муҳит учун хавфи сезиларли даражада камайтирилган, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга асосланган иқтисодиётдир.

Мана шундай шароитда давлат ва жамият қурилиши соҳасида изчил,

босқичма-босқич кечаётган ислохотлар доирасида юртимизнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиши ва барқарор ривожланиш мақсадларига самарали эришиш жараёнини тезлаштиришга қаратилган масалалар илгари сурилиб, иқлим ўзгаришига қарши курашиш устувор вазифалардан бири экани белгилаб олинмоқда.

Давоми 3-бетда

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга темир йўл соҳасидаги йирик минтақавий лойиҳаларнинг амалдаги ҳолати ва келгуси режалар юзасидан ахборот берилди.

Мамлакатимиз учун транспорт йўлакларини диверсификация қилиш, жаҳон бозорларига тез ва эркин чиқиш жуда муҳим. Шу боис, давлатимиз раҳбари халқаро анжуманларда бу масалани доим кўтариб, амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. Қўшни ва манфаатдор мамлакатлар билан “тил топишиб”, лойиҳалар жадаллаштирилмоқда.

Улардан бири 454 километрлик “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўли қурилишидир. Маълумки, жорий йил 14 сентябрда Самарқандда бу лойиҳа бўйича уч томонлама Англашув меморандуми имзоланган эди. Ноябрь ойида Хитойнинг “Биринчи лойиҳа-тадқиқот

институтини” томонидан дала тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ҳисобот давомида режадаги ишлар тўғрисида ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, Бишкек шаҳрида лойиҳа офиси ташкил этилади. Лойиҳани бошқариш услуби ва тартиби муҳокама қилинади. Халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказилади. Умуман, 1 июнгача лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш режалаштирилган.

Соҳадаги яна бир минтақавий лойиҳа “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлидир. Афғонистондаги мураккаб вазиятга қарамай, бу борада ҳам сезиларли силжишлар бор.

Хусусан, жорий йил ёзда Афғонистоннинг Мозори-Шариф шаҳридан Покистоннинг Торхам шаҳригача тадқиқот экспедицияси ўтказилди.

Қайд этилганидек, лойиҳа доирасида 765 километр темир йўл қурилиши мўлжалланмоқда. Келгуси йили бу бўйича лойиҳа офиси ташкил этилиши, халқаро консалтинг компаниясини жалб қилиш, инвесторлар билан музокаралар ўтказиш режалаштирилган. Шулардан келиб чиқиб, лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси тайёрланади.

Президент Шавкат Мирзиёев бу режаларни маъқуллаб, ҳамкор мамлакатлар билан “йўл хариталари” ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу икки темир йўлнинг қурилиши Ўзбекистоннинг транспорт коммуникацияларини диверсификация қилиб, логистика имкониятларини кARRасига кенгайтиради.

ЎЗА

ТАҲЛИЛ

МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРГА ЭҲТИЁЖ ОШМОҚДА

Металлар Менделеев даврий жадвалидаги кимёвий элементларнинг катта қисмини ташкил этади. Иқтисодиётда эса металлургия сердаромад тармоқлардан. Яъни ҳеч бир мамлакат саноати ривожини металлсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кончилик, кимё саноати, қурилиш, машинасозлик, электротехника тармоқлари бўладими, барчасининг тараққиёти бевосита металл ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан боғлиқ. Бошқа томондан, уларнинг ривожини қора ва рангли металл маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни кундан-кунга оширяпти.

Давоми 4-бетда



ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

ҚАЛБИДА ҒУРУРИ ЮКСАК ЁШЛАР

Узоқ Германияда “митти” Ўзбекистон яратган қиз

Бундан ўн беш йил аввал Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўқиб юрган Шахло Халилова хорижга кетиши-ю, ўзга юртда ўз ўрнини топишини тасаввур ҳам қилмасди. Чунки унда бундай истак ҳам, умид ҳам бўлмаган. Аслида, журналистикага меҳр кўйган кизини отаси ҳатто Тошкентда юбормаган, “Самарқандда шунча олийгоҳ бор-ку, истаганингда ўқийвер”, деган. Институтда дарс берадиган қариндоши уни чет элда ўқиш учун интилишга, шу орқали дунё кўриб, тилларни янада яхши ўрганишга ундади. Унинг ёрдами билан Германияга бориш учун “Au-Pair” дастури бўйича хужжат топширди.

Давоми 5-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАҲСУС

ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИ ИЛГАРИ СУРИШДА МУҲИМ ВОСИТА БЎЛМОҚДА

Бугунги кунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати Янги Ўзбекистонда етакчи ҳамда жадал ривожланаётган тармоқлардан биридир. Сўнгги йилларда саноат ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиши ўртача 20 фоиздан ошди. Мамлакатимиз тўқимачилик саноатини диверсификация қилиш, тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистоннинг бу жабҳадаги салоҳияти тобора юксалмоқда.

Давоми 2-бетда



ҲАЁТБАХШ ИСЛОХОТЛАР

ТУНУ КУН ИШЛАЙДИГАН ШОҲОБЧАЛАР

туризм ривожини ва аҳоли бандлигига хизмат қилмоқда

Риштон туманидаги “Марказ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ар-Рошидоний кўчасида туну кун ишлайдиган 80 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилиб, 260 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Давоми 2-бетда

17 ДЕКАБРЬ — ОҒАҲИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

МИРОБЛИК, ИЖОД, ИЛМ МАШАҚҚАТЛАРИ

Огаҳийнинг ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни ва тарихий асарлари кўпчиликка маълум. Шу билан бирга, Муҳаммадризо Огаҳий ўз даврининг энг нуфузли амалдори — Хива хонлигининг бош мироби ҳам бўлган. Қуйи Амударё бўйларидаги Қизилқум ва Қорақум оралиғида жойлашган воҳада сув ҳаёт манбаидир. Шу боис, мироблик Хоразмда энг нуфузли вазифа ҳисобланган. Зеро, давлат иқтисоди қишлоқ хўжалигига асосланган Хива хонлигида ушбу касб юрт ободонлиги, давлат иқтисодиёти, деҳқончилиги билан боғлиқ эди.

Давоми 6-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИ ИЛГАРИ СУРИШДА МУҲИМ ВОСИТА БЎЛМОҚДА

Бошланғичи 1-бетда

Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳа ривожиди динамикасига янги суръат бағишлади.



ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича бarchа чоралар кўрилади. Булар соҳани ривожлантириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизимига ўтиш, кўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирлардир.

— Ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятлари ҳақида гапириб берсангиз. Бу борада қандай аниқ чора-тадбирлар кўрилмақда, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатия ваколлатхоналари томонидан мазкур жаҳоннинг экспорт салоҳиятини янада ошириш юзасидан яна қандай ишлар режалаштирилган?

— Бу жараёнда иқтисодий дипломатиянинг муҳим ролини қайд этиш лозим. Шу мақсадда бугунги кунда Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатия ваколлатхоналари томонидан хорижий мамлакатлар импорт эҳтиёжларини юртимиз товарларига йўналтириш омиллари, яъни ўсиш нукталарини топшиш мақсадида ҳар бир давлат импорти номенклатурасини таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар қилиняпти.

— Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш аъёнавий равишда Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб келган. Бугунги кунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини таркибий ислоҳ қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмақда.

— Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш аъёнавий равишда Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб келган. Бугунги кунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини таркибий ислоҳ қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмақда.

— Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш аъёнавий равишда Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб келган. Бугунги кунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини таркибий ислоҳ қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмақда.

— Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш аъёнавий равишда Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб келган. Бугунги кунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини таркибий ислоҳ қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмақда.

— Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш аъёнавий равишда Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб келган. Бугунги кунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини таркибий ислоҳ қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмақда.

эътироф этиш баробарида юртимизни Марказий Осиёдаги ривожланган тўқимачилик маркази сифатида баҳоламоқда.

Элчихоналар, тегишли вазирлик, идора ва тармоқлар ташаббуси билан ёки улар иштирокида хорижда Ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари, масалан, ипак ва адрас матоларининг турли қўшма кўргазмалари, ихтисослаштирилган ярмаркалари (“Fashion show”) ташкил этилмоқда.

Бугунги кунга қадар дунёнинг етакчи тўқимачилик брендлари ва мода уйлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилиб, мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини илгари суриш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

— Аниқ мисоллар келтира olasizmi?

— Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатия ваколлатхоналари Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари билан келишилган ҳолда, тўқимачилик маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш учун иқтисодий дипломатиянинг янги стандартларидан самарали фойдаланмоқда.

Покистон 50 йилдан зиёд давр давомида нафақат Жанубий Осиёда, балки бутун дунёда тўқимачилик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлиб келмоқда. Покистонда “Adidas”, “Nike”, “Kappa”, “Gap”, “Interloop”, “Denim”, “Jack & Jones”, “Geox”, “Ralph Lauren”, “Zara”, “Cambridge” ва бошқа машҳур брендлар ўз маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйган.

Покистон экспортининг тахминан 65 фоизини саноат маҳсулотлари ташкил қилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Покистондаги дипломатларимизнинг асосий иши ишлаб чиқариш қуввати, хомашё базаси, афзалликлари ва камчиликларини ўрганишдан бошланди. Улар тўқимачилик марказлари — Файсалобод, Лаҳор, Карачи ва бошқа шаҳарларга бориб, тегишли таҳлилларни турли компаниялар фаолияти билан танишиш орқали амалга оширди.

Натижада ушбу мамлакатнинг етакчи тўқимачилик корхона ва уюшмалари эгалари билан зарур маълумотлар шакллантирилиб, алоқалар ўрнатилди. Улардан амалий аҳамиятга эга бўлган статистик ва бошқа маълумотлар олинди ва таҳлил қилинди.

АҚШ доллар, 2019 йилда 10,4 миллион доллар, 2020 йилда 15 миллион доллар, 2021 йилда эса 59 миллион доллар бўлди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини Европа давлатларига экспорт қилиш ишлари ҳам жадаллашган. Мамлакатимизнинг Польшадаги элчихонасининг “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва етакчи тўқимачилик корхоналари билан махсулот экспортни ҳажмини ошириш борасидаги самарали ҳамкорлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Европа Иттифоқида Польша тўқимачилик маҳсулотларимизни импорт қилувчи асосий давлат. 2021 йилда Ўзбекистондан Польшага ушбу маҳсулотлар экспорт 67,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу Европа Иттифоқи мамлакатларига Ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 48 фоизи демакдир. Ушбу кўрсаткич 2022 йил охиригача 75 миллион долларга етиши кутилмоқда.

Шу мақсадда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда илк бор Польшанинг Лодзь шаҳрида “HAJ TEX” (Бухоро вилояти) ва “ZELAL TEKSTIL” (Тошкент) тўқимачилик фабрикалари савдо уйлари ташкил этилди.

Ўзбекистон 2021 йилда Европа Иттифоқининг “GSP+” имтиёзлар тизимида қўшилган. Эндиликда

бағишланган видеоселектор йиғилишида тўқимачилик саноатини ривожлантиришга янги суръат бағишлаш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда 2023 йилда қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ саноат маҳсулотларини экспортга чиқариш дастури қабул қилинади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун олдимизда Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатия ваколлатхоналарининг фаол иштирокида иқтисодий дипломатия соҳасида комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдек муҳим вазифалар турибди.

Шу нуктаи назардан, биз мақсадли равишда алоҳида олинган мамлакатдаги иқтисодий вазият, бозорнинг очқлиқ даражаси, тўқимачилик маҳсулотлари импорт/экспорт тузилмаси ва бошқалар бўйича маълумотларни тўплаш учун таҳлилий фаолиятни қўлайтиришимиз. Бундай таҳлил ушбу давлатга нисбатан мақсадли стратегияни яратишга имкон беради. Тўқимачилик соҳасида ҳамкорликнинг янги йўналишларини аниқлаш, бозор конъюктурасини диққат билан кузатиб бориш ва ўз вақтида жавоб қайтариш мақсадида етакчи хорижий саноат экспертлари, таҳлил марказлари ва бозорнинг йирик иштирокчилари билан мунтазам маслаҳатлашувлар уюштирилади. Шунингдек, бозорда иштирок этиш учун



Ханим Йўлдошева олган сурат.

“ЭЛЧИХОНАЛАР, ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК, ИДОРА ВА ТАРМОҚЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН ЁКИ УЛАР ИШТИРОКИДА ХОРИЖДА ЎЗБЕК ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, МАСАЛАН, ИПАК ВА АДРАС МАТОЛАРИНИНГ ТУРЛИ ҚЎШМА КЎРGAЗМАЛАРИ, ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЯРМАРКАЛАРИ (“FASHION SHOW”) ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Сўнгра маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, саноат корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари билан бевосита амалий алоқалар ўрнатилди, потенциал импорт қилувчиларнинг Ўзбекистон завод ва фабрикаларига аниқ мақсадга йўналтирилган сафарлари ташкил этилди.

Пировардида, мамлакатимиздан покистонлик тадбиркорлар иштирокида пахта толаси, зигир ва бошқа товарлар экспортни йўлга қўйилди. Ўзбекистондан Покистонга тўқимачилик маҳсулотлари етказиб бериш ҳажми 2018 йилда 5,5 миллион

6,2 минг турдан ортиқ маҳсулотни Европа бозорига божсиз экспорт қилиш мумкин. Ваҳоланки, Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг атиги 6 фоизи Европа ҳиссасига тўри келади.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатларидаги дипломатия ваколлатхоналари саноат тармоқлари кўмағида “GSP+” тизими имтиёзларидан фойдаланиш мақсадида эришиш учун иқтисодий дипломатияни самарали йўлга қўйиш бўйича ҳали кенг кўламли ишлар қилиши зарур.

Президентимиз жорий йил 7 ноябрь кuni саноатни ривожлантириш масалаларига

қўлай шарт-шароитлар яратиш, яъни тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмаларини, давра суҳбатлари, бизнес форумлар, иқтисодий тақдимотлар, таширфлар, музокаралар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш бўйича ишларни фаоллаштириш зарур.

Умуман олганда, инсон капиталини ривожлантириш — илм-фан, технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, саноат кооперациясини ривожлантириш орқали Ўзбекистон компанияларини глобал ва минтақавий қиймат занжирларига интеграция қилиш устида ишлаш учун инвестицияларни кўпайтириш, тайёр маҳсулотларни узлуксиз етказиб беришни таъминлаш бўйича транспорт ҳамда логистика занжирларини диверсификация қилиш жуда муҳим. Бу йўлда Ўзбекистоннинг иқтисодий дипломатияси олдида жуда долзарб вазифалар турибди ва бу вазифалар ижроси изчил давом эттирилмоқда.

“Дунё” АА

ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР

ТУНУ КУН ИШЛАЙДИГАН ШОҲОБЧАЛАР Туризм ривожига ва аҳоли бандлигига хизмат қилмоқда

Бошланғичи 1-бетда

Бу бежиз эмас. Туман марказида жойлашган бу энг узун кўча аҳоли ва транспорт қатнови учун жуда қўлай бўлиб, аксарият аҳоли шу йўл буйлаб ҳаракатланади. Бу ерда озиқ-овқат ва хўжалик моллари, кулоллик маҳсулотлари сотувчи, эшик ва ромлар устaxonаси, компьютер хизмати, сартарошхона, дорихона, стоматология, тиббий диагностика, қас-собхона, умумий овқатланиш, пишириқ тайёрлаш шохобчалари, фотостудия, аёллар гузаллик ва келинлар либослари салони сингари ўнлаб хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга туширилди.

— Бундан икки-уч йил илгари оддий гугурт харид қилиш ёки соч олдиретиш учун туман марказига борганимиз, — дейди меҳнат фаҳрийси Йўлдошали Дадабоев. — Бугун маҳалламизнинг ўзида аҳоли учун зарур бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этилган. Узоғимизни яқин, оғиримизни енгли қилди. Бундан ташқари, маҳалламиз обод бўлди. Лойиҳа ташаббускорлари саъй-ҳаракати билан тунги чироқлар ўрнатилди, йўллар асфальтланди, пёдаллар йўлаклари, транспорт тўхташ жойлари қурилди. Қўшни маҳалладагилар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам беминнат хизмат турларидан баҳраманд бўлапти.

Аҳамиятли жиҳати, туманда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш

бўйича умумий қиймати 93,6 миллиард сўмга тенг 303 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 910 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Бугунги кунга қадар 66,1 миллиард сўмлик 276 лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 805 киши иш билан таъминланди. Хўжа Рушноий зиёратгоҳи тулик реконструкция қилиниб, йилига 120 минг маҳаллий ва хорижий сайёҳни қабул қила оладиган мажмуага айлантирилди. Зиёратчиларга қўлайлик яратиш учун кутубхона ҳам қурилди. Алишер Навоий маҳалласида “Мингбоши керамик” оилавий корхонаси томонидан уй-музейи ташкил этилди.

— Президентимизнинг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар ривожига муҳим ўрин тутмоқда, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Азиз Мустафоқов. — Қарор ижроси доирасида 12 та маҳалла фуқаролар йиғинини туризм маҳаллаларига айлантириш, савдо-сервис соҳасини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Йўл бўйларига савдо, кўнгилчоchar, гастрономик, туризм ва санъат йўналишларига ихтисослаштирилган маҳсул масканлар буй кўрсатмоқда. Энг муҳими, мазкур маҳаллаларда тадбиркорларнинг айланмадан олинмаган солиқ тўлови ставкаси 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 1 фоиз этиб белгилангани ҳисобига 127 юридик шахс иxtирибди



Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.

739 миллион сўм, 109 нафар якка тартибдаги тадбиркорда 766 миллион сўм қолмоқда. Бундан ташқари, қарорга асосан, ер ва мулк солиқлари ставкаси 90 фоиз камайирилиши натижасида жорий йилда туризм ҳудудида жойлашган 327 нотурар объекта ҳисобланган 770,9 миллион сўм тадбиркорлар ихтирибди қолмоқда. Асосий мақсад — янги хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини ривожлантириш орқали бандлик

ни таъминлаш, ишсизларни қасб-хунарга ўргатиб, маблағ ва шароит билан таъминлаш. Кўлами кенг ҳаётбахш ислоҳотлар Фарғона вилоятининг ҳар бир туман ва шаҳарлари кесимида амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган 10 ойда жами хизматлар ҳажми 17,8 триллион сўмин ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 114,4 фоиз ўсган. Натижада аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми

4,5 миллион сўмга етди. Бунда молиявий, алоқа ва ахборотлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ўсиб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар сони 28,2 мингга етди. Бу 2017 йилдагига нисбатан 17 мингга кўп.

— Вилоятимизда хизматлар соҳасида янги объектар қуриш, мавжудларни кенгайтириш ва инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 73,2 мингта иш ўрни яратилди, — дейди Фарғона вилояти иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Абдураҳул Рузиев. — Бундан ташқари, “маҳаллага” ишлаш тизимини жорий этиш натижасида январь-ноябрь ойларида 5531 хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилиб, 15 минг 249 янги иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар яна 253 та савдо ва сервис объекти очил кўзда тутилган.

— Туман ва шаҳарларда савдо, кўнгилчоchar, гастрономик, туризм ва санъат йўналишларига ихтисослаштирилган маҳсул савдо ва кўнгилчоchar масканлар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 22 марказий кўчада 787 хизмат кўрсатиш лойиҳаси ишга туширилиб, икки мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди, — дейди вилоят иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Зоҳиджон Солиев. — Шунингдек, шаҳарларда ҳар 3-5 маҳаллага хизмат кўрсатуви 63 кўчада 457

савдо ва сервис объекти барпо этилиб, 844 иш ўрни ташкил этилди. Умуман олганда, хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 2,5 миллиард сўм бўлган 1110 лойиҳа амалга оширилди. Бухоро тажрибаси асосида биналар том қисмида савдо ва хизмат кўрсатиш объектарини ташкил этишга қаратилган 24 лойиҳа рўёби натижасида 150 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Фарғона туманининг табиати дилқушо “Аввал” ва “Водил” маҳалла фуқаролар йиғини, Олтиариқ туманидаги сийхатгоҳлар маскани — “Қизилтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида туризм маҳалласи фаолиятини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар олиб борилмақда. Фарғона, Олтиариқ, Бешиқор туманларида яқин икки-уч йилда 20 та соғломлаштириш ва кўнгилчоchar маданий маскан қурилиши режалаштирилган.

Йўл буйи инфратузилмасини ривожлантириш учун Тошкент — Уш ҳалқаро автомагистрал йўлининг Данғара, Бағдод, Олтиариқ, Бувайда, Учкўприк ва Езёвон туманларидан ўтувчи қисми атрофида янги хизмат кўрсатиш лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Шу кунга қадар хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш имконияти бўлган 6176 (173,5 гектар) ер майдони аукцион савдога чиқарилиб, 650 дан ортиғи тадбиркорларга сотилди.

Сирасини айтганда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари орқали аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида ҳаётта таъбиқ этилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар ҳалқ фаровонлигини ошириш, оғирини енгли, узогини яқин қилиш имкониятини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

ДУНЁДА ЭНЕРГЕТИК ИНҚИРОЗЛАР СУРУНКАЛИ ТУС ОЛМОҚДА. ҲОЗИР ҲАМ ТАҲЛИКАЛАР САБАБЛИ ЭНЕРГЕТИК ИНҚИРОЗНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИ РЎЙ БЕРМОҚДА. БУГУНГИ КУНДА ДУНЁДА ЙИЛИГА 13,5 МИЛЛИАРД ТОННА НЕФТЬ ЭКВИВАЛЕНТИГА ТЕНГ ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНАДИ. 2030 ЙИЛГА БОРИБ БУ КЎРСАТКИЧ 17 МИЛЛИАРД ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ КУТИЛМОҚДА. СЎНГГИ 50 ЙИЛ МОБАЙНИДА ЖАҲОНДА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ ҚУВВАТИ ҚАРИЙБ 21 БАРОБАР ОШДИ. ЛЕКИН ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ МАНБАЛАР УЛУШИ АТИГИ 5 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ, ХОЛОС.



“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА бугунги кун талаби, тараққиёт истиқболи



Борий АЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси

атмосферага 160 минг тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади. Тежалган газ билан 35 минг хонадонни бир йил давомида газ билан таъминлаш имкони вужудга келади.

Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳар бирининг қуввати 220 МВтдан бўлган 2 та қуёш фотоэлектр станцияси, 2023 йилда Бухоро вилоятида умумий қуввати 1000 МВт бўлган 2 та шамол электр станцияси ҳамда Навоий вилоятида қуввати 200 МВт, Сурхондарё вилоятида қуввати 457 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари, 2024 йилда Навоий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш режалаштирилмоқда. Жами ишга тушириладиган янги қувватлар эвазига умумий 2 минг 797 МВт электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Газ ва электр энергияси таъминоти муаммоси ечими нимада?

Ҳозир газ ва электр энергияси таъминоти куннинг долзарб мавзусига айланган. Ўзлиш ва чекловлар мавжуд. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам муқобил энергетикани ривожлантириш, барча ҳудуд ва тармоқларда кенг оммалаштиришни талаб қилади.

Президентимизнинг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ана шу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқариш қувватларини яратишда маҳаллий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш чоралари қўриляпти.

Қуёш сув иситиш ускуналари ва панелларига бўлган эҳтиёжни қондириш

ҳажмининг камида 25 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган қуёш сув иситиш қурилмалари орқали қопланишини таъминлаш талаб этилади.

Умуман олганда, мамлакатимизда 2030 йилга бориб қуёш ва шамол энергиясининг жами қуввати 15 минг МВтга ва миллий энергетика тизимида қайта тикланадиган энергия улуши 25 фоизга етказилиши лозим.

Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтишида экологик тоза транспорт тизимини ривожлантириш ҳам муҳим жиҳатлардан биридир. Чунки бизда фойдаланиладиган транспорт воситалари орасида автомобиллар устувор ва уларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Нисбатан самарадор ва тежамкор бўлишига қарамай, автотранспорт энергия ресурсларидан фойдаланиш борасида иккинчи йирик фойдаланувчи ҳамда сановат сектори қаторида атроф-муҳитни асосий ифлослантирувчи ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда автотранспорт воситаларининг атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш ҳиссаси 65 фоизни, Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда эса 80 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Бунда бензин ва дизель ёқилгисидан фойдаланиш ҳисобига автотранспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига йилга 1,5 миллион тонна ифлослантирувчи моддалар чиқарилади.

Ички ёнув двигателларини криоген водород ёки бензин-водород компо-

дунё ва мамлакат миқёсида водород энергетикасининг ривожланиш таҳлилларини ишлаб чиқиш даркор.

Олимларимиз томонидан экологик тоза усулда водород ишлаб чиқариш бўйича илк тажриба ускунани яратиш ишлари олиб борилмоқда. Бунда сув молекуласини парчалаш учун фотоайлантиргичлар (фотоконверторлар, қуёш панеллари) ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланилади.

Бугунги кунга келиб танланган технологиянинг барқарорлиги бўйича ишончли натижаларга эришилди. Чунки фотозлементларда олинган электр энергияси нархи аънаваный технологиялар асосида ишлаб чиқарилган электр энергияси билан деярли бир хил.

Фотозлементлар (қуёш панеллари) ёрдамида ишлаб чиқариладиган электр энергияси нархида келгусида янада пасайиш тенденциялари кузатилмоқда. Танланган йўналишнинг миллий миқёсдаги долзарблиги қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда сувдан водород олишининг янги технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Мамлакатимизда йилнинг 300 кунидан ортиғи қуёшли бўлишини инобатга олсак, тавсия этилаётган технологиялар — фотоайлантиргичлар (фотоконверторлар) экологик тоза йўл билан электр токини олишга муваффақиятли хизмат қилади.



МАМЛАКАТИМИЗДА ЙИЛНИНГ 300 КУНИДАН ОРТИҒИ ҚУЁшли БЎЛИШНИ ИНОБАТГА ОЛСАК, ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ФОТОАЙЛАНТИРГИЧЛАР (ФОТОКОНВЕРТОРЛАР) ЭКОЛОГИК ТОЗА ЙЎЛ БИЛАН ЭЛЕКТР ТОКИНИ ОЛИШГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

ушун уларни ишлаб чиқариш бўйича Қорақалпоғистондаги “Нукус электроаппарат” МЧЖ ҳудудида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 60 МВт бўлган кластер ташкил этиш лойиҳаси рўйбга чиқарилади.

2022 йилда Қорақалпоғистоннинг инновацион ҳудудида айланттирилган Нукус туманида “SOLAR SALL” МЧЖ томонидан “Қуёш энергияси билан ишлайдиган сув иситкич ускунасини ишлаб чиқариш” бўйича инновацион тижоратлаштириш лойиҳасига киришилди.

Юқорида қайд этилган фармонга асосан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маъмурий-маиший бино ва иншоотларда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмлари жорий этилади.

Яъни 2023 йил 1 январдан бошлаб янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган барча таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият ва туризм, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш объектлари, спорт комплекслари, локал иситиш иссиқлик тизимига уланадиган кўп хонадонли уй-жойлар, “Янги Ўзбекистон” массивлари, шунингдек, умумий майдони 1 миң квадрат метрдан катта бўлган барча савдо-кўнгилочар марказлари бино-иншоотларини лойиҳалаштириш ва ишга туширишда иссиқ сув истеъмоли

зицион ёқилгисига ўтказиш экологик жиҳатдан тоза ва самарали йўллардан биридир. Дунёнинг илгор давлатлари водород ёқилгисига ўтиш технологияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Водороднинг ёқилги сифатида афзаллиги шуки, у ёнганда нафақат экологик тоза сув буғи ҳосил бўлади, балки органик ёқилгиларга нисбатан энергия захираси юқори ҳисобланади, бир тонна водород ёнганда 3,5 тонна органик ёқилги ёнгандагига тенг иссиқлик ажралиб чиқади.

Натижали илк қадамлар

Водород энергиясини ривожлантириш борасида олим ва мутахассислар олдида қатор вазифалар турибди.

Авалло, водород энергетикаси соҳасидаги янги истиқболли материаллар ва жараёнларни излаш ҳамда татбиқ қилиш керак. Шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларининг маҳаллий имкониятларидан фойдаланган ҳолда, электролитик усул билан водород олишга йўналтирилган экологик тоза, табиий ресурсларга боғлиқ бўлмаган технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Бундан ташқари, барча манфаатдор илмий-тадқиқот институтлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари томонидан водород технологияси бўйича сановат ишланмаларини илмий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш,

ЭКСПЕРТЛАР ҲУЛОСАСИГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИ 51 МИЛИАРД ТОННА НЕФТЬ ЭКВИВАЛЕНТИГА ТЕНГ, ТЕХНИК ИМКОНИАТЛАРИ ЭСА 179 МИЛЛИОН ТОННА НЕФТЬ ЭКВИВАЛЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. БУ МАМЛАКАТ БЎЙИЧА ЙИЛИГА ҚАЗИБ ОЛИНАДИГАН БИРЛАМЧИ ЭНЕРГЕТИКА ЗАХИРАЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲАЖМИДАН 2,5 БАРОБАР КЎП КЎРСАТКИЧДИР.

— атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган экологик тоза технологияга асосланган.

Автоном комплекснинг энергетик ресурсларини нафақат дронларда, балки ер ости сувларини кўтариш учун фойдаланадиган насосларни электр энергияси билан таъминлаш ва экин майдонларида томчилатиб сўғориш тизимини жорий этишда ҳам қўллаш мумкин.

“Геоинновация маркази” ДУК томонидан уч йил аввал Жиззах вилояти Фориш туманидаги “Lazzat kafolat” агрокластер яйловларида тажриба сифатида 3 кВт-соат қувватдаги “Гибрид турдаги муқобил энергия манбаи” модули ўрнатилган. Унинг ёрдамида ер ости сувларидан фойдаланиб, 35 гектар яйловда интенсив боғларни томчилатиб сўғориш тизими жорий этилди. Қурилма шу кунга қадар муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Шунингдек, ҳозир Нукус шаҳрида водород қуёш “ORCA” станциясида водород ёқилгисига ишлайдиган 2 та дрон мавжуд. Лойиҳани амалга ошириш учун энди ўзбекистонлик мутахассисларни Хитойда ўқитиш ва маълумот олиш, автоном комплекс блокларини жойлаштиришга мўлжалланган майдон ҳамда бино қурилиши зарур.

Ҳулоса ўзимиздан

Дунёда энергетик инқирозлар сурункали тус олмоқда. Ҳозир ҳам таҳликалар сабабли энергетик инқирознинг дастлабки даври рўй бермоқда. Бугунги кунда дунёда йилига 13,5 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг энергия истеъмоли қилинади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 17 миллиард тоннани ташкил этиши кутилмоқда.

Сўнги 50 йил мобайнида жаҳонда электр станцияларнинг қуввати қарийб 21 баробар ошди. Лекин қайта тикланувчи манбалар улуши атиги 5 фоизни ташкил этади, ҳолос.

Дунё мамлакатларида аҳоли жон бошига истеъмоли қилинадиган электр энергияси бир-биридан катта фарқ қилади. Масалан, Норвегияда бу кўрсаткич йилига 24 756 кВт-соатни ташкил қилса, АҚШда 11 204 кВт-соатни, Германияда 6995 кВт-соатни, Францияда 5870 кВт-соатни, МДҲ мамлакатларида 5792 кВт-соатни, Жанубий Кореяда 1905 кВт-соатни, Мисрда 648 кВт-соатни, Покистонда 301 кВт-соатни, Бангладеш ва Суданда 50 кВт-соатни ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2000 кВт-соатдан кўпроқ. Аммо бизда ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ўрта ҳисобда илгор мамлакатларга

нисбатан 2,5-3 баробар кўп энергия сарфланади.

Ўзбекистон “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини татбиқ этиш бўйича аниқ чора-тадбирларини белгилаб олган. Ҳозир электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, асосан, инфратузилмага қаратилляпти. Лекин бу ҳали муаммо тўлақонли ечилиши, дегани эмас. Шунинг учун, биринчидан, иқтисодиётда энергия сифимли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қайта қўриб чиқиш зарур.

Иккинчидан, ҳудудларда инфратузилмани ривожлантиришда, катта объектларни қуришдан олдин, лойиҳалаш жараёнида уларни талаб этиладиган ресурс ва энергия билан таъминлаш имкониятларини аниқ ҳисоб-китоблар асосида ташкил этиш керак.

Учинчидан, гибрид, яъни кундузи қуёш, кечкурун шамол генераторлари орқали узлуксиз электр энергияси олиш тизимини жорий қилиш лозим.

Тўртинчидан, иссиқлик ва иссиқ сувни тайёрлайдиган қуёш коллекторларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талаб этилади.

Ҳозир аҳолининг энергия ресурсларига ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш мушкул. Бироқ юзага келган вазиятда зиддиятлар билан ижобий мақсадга эришиб бўлмайд.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда аҳоли сони ортиши, янги корхоналар очилиши, янги уй-жойлар қурилиши, ёқилги сифатида газдан фойдаланаётган автомобиллар сони ошиши оқибатида энергия ресурслари истеъмоли кескин ортиб бормоқда. Боз устига, сиёсий ва иқтисодий беқарорлик қулаётгани муносабати билан дунёда энергетика тармоғида оғир вазият юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тармоқни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Энг муҳими, халқнинг бирдамлиги, мавжуд вазиятни адеқват баҳолаш ва тушуниш, давлат томонидан энергетика соҳасини ўзгартириш бўйича қўриладиган чора-тадбирларнинг тўғри ва самарадорлигига ишончдир.

Албатта, жамиятда миқдори чекланган табиий ресурсларга тежамкор муносабат маданиятини шакллантиришимиз зарур. Шу кунларда газ ва электр токидан исрофгарчиликсиз фойдаланиш (масалан, уйдан чиқишда ҳар бир хонадон иситиш ҳароратини ҳеч бўлмаста 5-6 даражага пасайтирса, бир суткада 1-4 куб метр, бир йилда эса 1-3 миллиард куб метр газ иқтисод қилинади) муҳим. Оддий бир ҳақиқатни унутмаслигимиз даркор: беҳуда сарфланган энергия қаердadir етишмовчиликка олиб келади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАҲЛИЛ

МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРГА ЭҶТИЁЖ ОШМОҚДА

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланғич 1-бегда

Металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг истиқболли йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Шу йил 7 ноябрь кунги давлатимиз раҳбари раислигида маҳаллий sanoatни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам sanoat тармоқларини янада ривожлантириш, бунинг учун тадбиркорларга кенгроқ имкониятлар бериш зарурлиги таъкидланди. Ҳўш, sanoatнинг муҳим қисми бўлган металлургия тармоғига талаб бугун қанчалик ортмоқда ва унинг иқтисодий имкониятлари нималарда кўзга ташланади?

Маълумотларга кўра, юртимизда йилга 4 миллион тонна қора металл ишлаб чиқарилади. Унинг 50 фоизи импорт ҳисобидан қопланаётгани, металлга кетадиган харажатлар улуши уй-жой қурилиш танаҳрида 15 фоиз, машинасозликда 40 фоизи ташкил қилаётгани, 2026 йилга бориб эса ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёж 6 миллион тоннага етишини инобатга олсак, мазкур тармоқни ривожлантириш нақадар муҳим экани намоён бўлади.

Юртимизда металлга талаб ўсиши йилга 3-5 фоиз атрофида баҳоланмоқда. Инки истеъмол келаси йилга бориб 200 минг тонна, 2030 йилга келиб эса 400 минг тоннагача ошиши кутиляпти. Бунда, айниқса, юқори сифатли металл буюмларга эҳтиёж ортади. Шу боис, охириги йилларда юртимиз металлургия sanoati тўдан янгилалиб, замонавий технологиялар асосида ривожланиш босқичига ўтди. Бу жараёнларда инвестицион лойиҳалар улуши орттириб метал ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар оширишга имкон яратмоқда.

Аҳамияти қиймати каби
юқори лойиҳалар

Мамлакатимизнинг аксар ҳудудда металл ишлаб чиқариш имкониятлари кенг. Айниқса, Тошкент вилояти бу йўналишда энг қулай ҳудудлардан. Вилоят ЯИМдаги металлургия улуши тахминан 13 фоизни ташкил қилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса охириги йилларда 7,8 фоиз ўсиб, бугунги кунда 49,7 фоизни кўрсатмоқда.



ҚАРОР ВА ИЖРО

УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

Шаҳзод ҒАББОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг тўққиз ойда мамлакатимизда қарийб 1,4 миллион тонна узум етиштирилган. Бу ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан 3,8 фоиз кўп. Ўзбекистон жорий йил 10 ойда 51 давлатга ўтган йилнинг шу давridагидан 41,6 минг тонна зиёд узум экспорт қилган.

Кўрсаткичларни янада ошириш, экспорт қўламини кенгайтириш узумдан яхшигина фойда олиши имконини беради. Бунинг учун эса бугунги кунда хорижда талаб юқори бўлган дунёга машхур хўраки, данаксиз, винобоп узумлар етиштиришини йўлга қўйиш, узумчилик тармоғи ривожланган мамлакатлардаги каби плантациялар ташкил қилиш лозим.

Президентимизнинг 2021 йил 28 июлдаги “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизimini жорий этиш, соҳага илгор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан мамлакатимизда соҳани янада ривожлантириш, узум етиштириш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизimini йўлга қўйиш, алкоғол бозорини тартибга солишини самарали механизмларини кенг жорий этиш ҳолда, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш вазифаси белгиланган. Шунингдек, узумчиликнинг экспорт салоҳиятини кўчатириш, инвестицион жозибдорлигини ошириш, виночилик туризмни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шу мақсадга эришиш учун хориждан дунёга машхур узум навлари олиб келинди. Айни пайтда кўчатлари Маҳмуд Мирзавев номидagi

хорижнинг экспортбоп навларини
маҳаллийлаштиришга замин яратади

боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти иссиқхоналаридан синовдан ўтказилмоқда. Кейинги йил баҳор ойларидан узум кўчатлари тажриба плантациялари ва фермер хўжаликларига тарқатилиб, экиш бошланади.

— Юртимиздаги маҳаллий узум навлари жуда зур, масалан, ҳўсайни, кишмиш ҳамда ундан тайёрланадиган майиз дунё бозоридан экспортбоп, — дейди кишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори Алишер Тўраев. — Бироқ яхши узумларимизнинг данаги бор. Иккинчидан, ҳажми катта. Яъни бир боши икки-уч килограммгача тош босадиганлари ҳам бор. Жаҳон бозорига эса кўпроқ данаксиз узумга талаб юқори. Ривожланган хорижий мамлакатлар дўконларига кирсангиз, асосан, данаксиз узум сотилаётганига ғувоҳ бўласиз. Бир бош узум тахминан 400-500 грамм чиқади. Миллий марказ томонидан чет элдан хўраки, данаксиз ва винобоп узум навлари олиб келинди ҳамда улар кўпайтирилмоқда. Айни пайтда 27 навдаги узум нйҳоллари маҳаллий шароитда парвартирилмоқда.

Европа бозорига энг харидоригр мазкур узум навларини етиштириш учун мамлакатимизда плантациялар ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг учун аввал мазкур узум кўчатлари in vitro усулида кўпайтирилмоқда. In vitro усулида парвартирилган нйҳоллар турли касалликлардан холи, тез ривожланади. Мазкур жараёнда нафақат янги навларнинг соғлом ўсиши таъминланади, балки уларнинг хўжайралари мавжуд вирус ва касалликлардан тозаланади. Айни пайтда мазкур хорижий навлар микроганақлари махсус лабораториялар шароитида парвартирилиб, вируссиз 1 миллион нйҳол етиштирилади. Кейинги босқичда кўчатлар иссиқхонада парвартирилиб, юртимиз иқлимига мослаштирилади.

— Битта узум кўчатини илдиз оттириб, ўнта, йигирмата ва ҳатто элликтагача кўпайтириша бўлади, — дейди Алишер Тўраев. — Шу боис, уларни Усимликшунослик илмий-тадқиқот институтида кўпайтириб, “Оналик боғи” яратамиз. Бу орқали узум кўчатини кўпайтирамиз. 2023 йил уларни кўпайтириш ва плантациялар барпо қилиш йили бўлади, 2024 йилдан эса Ўзбекистонда замонавий узум плантациялари ташкил этилади.



Унинг таъкидлашича, иқлими юртимизниқига ўхшаш давлатлардан узум навлари олиб келинган. Мисол учун, Австриянинг об-ҳавоси Бўстонлик туманиқили билан деярли бир хил. Шу давлатда етиштирилмадиган узум ҳам олиб келинди. Тойфи навини ҳаммаишди яхши биламиз. Бир гектар майдонда экилган ушбу навдан йигирма-ўттиз тоннагача ҳосил олиш мумкин. Бугунги кунда унинг бир килограмми экспорт нархи 75 цент. Бир гектар тоқзордан йигирма тонна ҳосил олинса, тахминан 15 минг доллар бўлади. Аватар навининг бир килограмми дунё бозорига 5 долларга баҳоланмоқда. Агар бир гектарга мана шу нав экилиб, ундан йигирма тонна ҳосил олинса, 100 минг доллар



“**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АКСАР ҲУДУДИДА МЕТАЛЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ. АЙНИҚСА, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БУ ЙўНАЛИШДА ЭНГ ҚУЛАЙ ҲУДУДЛАРДАН. ВИЛОЯТ ЯИМДАГИ МЕТАЛЛУРГИЯ УЛУШИ ТАХМИНАН 13 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЭСА ОХИРИГИ ЙИЛЛАРДА 7,8 ФОИЗ ЎСИБ, БУГУНГИ КУНДА 49,7 ФОИЗНИ КўРСАТМОҚДА.**”

тилмоқда. Қолаверса, Европа Иттифоқи иқтисодий асосий тармоқларининг металл буюмларга бўлган эҳтиёжи орттишда давом этапти.

Мутахассислар фикрича, соҳада инновацион ишланмаларнинг камида 80 фоизи янги материаллар ва уларни ишлаб чиқариш технологияларининг жорий этишига асосланган. Нанотехнологияларнинг sanoat микёсда кенг қўлланилиши кутилмоқда. Бу чанг металлургияси, плазма билан ўта тоза металлургия сунъий шаклланишини янада ривожлантиришга туртки беради.

Яна бир янги металл тури

Тоғ-кон соҳасида эришаётган ютуқларимиз билан фаҳрланасак арзийди. Охириги йилларда янги конларни очтишда ҳам сезиларли натижаларга эришяптимиз. Бу йўналишда узок йиллик тарихга эга “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ рангли металлургия соҳаси етакчисидир. Йирик кон-металлургия кор-

хонаси мис-молибден, руҳ-кўрғошин, полиметалл ва оптик таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда маъдени мустаҳкамлаб бормоқда. Мис қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича эса дунёдаги 30 та энг йирик корхона сафидан жой олган.

— Бугун комбинат корхоналарида молибден, рений, руҳ, кўрғошин, кадмий, вольфрам, палладий каби нодир ва қимбатбох металллар ишлаб чиқарилса-да, унинг асосий маҳсулоти мисдир, — дейди “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов. — Мис металлинг бир тури бўлиб, иссиқлик ва электр қувватини энг ахши ўтказувчи экани боис, электротехника sanoatида кенг қўлланилади. Турмушимизда ишлатиладиган оддий музлаткичдан тортиб, телевизор, электрон қурилмаларни ишлаб чиқаришда ҳам мисдан фойдаланилади. Мамлакатимиз мис sanoatида кабель ва сим маҳсулотларидан ташқари, электротехника ва улар учун ускуна, куёш ва шамол энергетикаси, электромобиллар учун янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш орқали мисни қайта ишлаш ҳажмини 4 баробар ошириш вазифаси белгиланган.

Халқаро экспертлар фикрича, электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳалари ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб дунёда мисга талаб 40 фоиз ошиши кутиляпти. Ҳозир “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда иккита йирик инвестицион лойиҳа — йилга 60 миллион тонна руда қазиб олиш қувватига эга янги “Ёшлик I” конини ўзлаштириш ҳамда 3-мисни бойитиш фабрикаси қурилиши

жадаллик билан олиб борилмоқда. Улар дунёда талаб кун сайин ортти бораётган мис ишлаб чиқариш қувватини янада кенгайтиришга қаратилган кенг қўламдаги лойиҳалардир.

Комбинат тизимида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг самарали механизми йўлга қўйилган. Олимлар ва мутахассислар томонидан ўтказиладиган тадқиқот ва изланишлар натижасида ҳар йили янги турдаги маҳсулотлар олинмоқда. Хусусан, комбинатнинг Чирчиқ шаҳридаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида янги турдаги композит қотишма — металл керамика ўзлаштирилди. Бунинг учун бирлашмада темир кўкучи ва молибден карбиди асосидаги композит қотишмалар ишлаб чиқариш участкаси ҳам ташкил этилди. Айни кунда маҳсулотлар фаол ишлаб чиқарилмоқда.

Илм-фандан амалиёт томон

Ўзбекистон иқтисодийетида металлургия sanoati етакчи тармоқлардан бирига айланган. Бироқ металлургия sanoatини рақамли технологияларсиз ривожлантиришнинг имкони йўқ. Шу боис, тармоқни янада замонавийлаштириш, корхоналар ўртасида рақамли технологияларни омаллаштириш ва улардан фаол фойдаланишни жадаллаштириш зарур. Бунда эса илмий ёндашувлар, инновацион лойиҳалар ҳамда янги тадқиқотларнинг ўрни юқори.

— Йирик корхоналар билан таълимни уйғунлаштириш, амалий ҳамкорлик олиб бориш доим муҳим, — дейди Тошкент давлат иқтисодийет университети тадқиқотчиси Шодиёр Нарзуллаев. — Илмий ишим шу мавзунга қамраб олгани боис, мамлакатимиздаги жараёнларни доим қўзатиб борамиз. Очиғи, sanoat, машинасозлик, металлургия соҳаларида ёшларнинг амалиёт ўташи учун етарли шароитлар берилги қувонарли.

Соҳа ривожига муҳим ўрин тутадиган Тошкент давлат техника университети назария билан амалиётни уйғун олиб боради. Хусусан, университет олимлари “Ўзметкомбинат” АЖ билан ҳамкорликда қатор халқаро лойиҳалар иштирок этиб, талаба-ёшларни амалиётга жалб этмоқда. Утган йили бир неча хўжалик шартномалари имзоланиб, жорий йилда амалга оширилмоқда. Пулат ташувчи скат гилдирига қўймаси ҳамда кўтарма шибберлар қўймасини замонавий усулда олиш технологиясини ишлаб чиқиш каби лойиҳалар шулар жумласидан.

— Металлургия соҳаси назарий билимларни эғаллаш билан бирга, амалий фаолиятни ҳам талаб этади, — дейди Тошкент давлат техника университети кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор Нодир Тўраҳўжаев. —

Шу боис, лойиҳаларга кўпроқ ёшларни жалб этамиз. Ҳозир Хитой ва Беларусь билан ҳам иккита йирик халқаро лойиҳани амалга оширяптимиз. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард 360 миллион сумга тенг бўлиб, 2021-2022 йилларга мўлжалланган.

Ўзбекистон — Хитой қўшма лойиҳаси юқори сифатли енгил алюминий-литий қотишмалари олиш технологиясини ишлаб чиқишга асосланган. Олинмадиган маҳсулот машинасозлик, авиасозлик, архитектура ва қурилиш, энергетика ва бошқа қатор соҳаларда асқатади. Тадқиқотлар Тошкент давлат техника университети ҳамда Хитойнинг Харбин муҳандислик университетидан ўтказилмоқда. Бунда алюминий-литий қотишмасининг кимёвий таркибини тақомиллаштириш бўйича хитойлик ҳамкорлар тадқиқотлар олиб бораётган бўлса, қотишмани олиш технологиясини, суоқлантириш ва ишлов бериш режимлари тадқиқотларини Ўзбекистон томони амалга оширяпти. Ҳозирги кунгача олинган натижалар бўйича 30 дан орттиқ илмий мақола чоп этилиб, шулардан 9 таси “Scopus” базасидаги юқори рейтингга эга илмий журналларда нашр қилинди. Жорий йилда олимлар Германиянинг Штутгарт, Хитойнинг Харбин ва Нанчан, Ўзбекистоннинг Тошкент ва Андижон шаҳарларида ўтказилган халқаро анжуманларда лойиҳа доирасида олинган илмий натижалар бўйича маърузалар билан иштирок этди.

— Ўзбекистон — Беларусь қўшма лойиҳасида ҳам олимлар қаторида талабалар иштирок этапти. Унда алюминий ва тантал оксидлари асосида мустаҳкам нанотузилмалар материаллар яратиш кўзда тутилган. Асосий эътибор иссиққа бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга қартирилиб, юқори ҳарорат муҳитида қўлланиладиган деталларнинг мустаҳкамлигини ошириш белгиланган. Тадқиқотлар Тошкент давлат техника ҳамда Беларусь Инformatика ва радиолокация университетида олиб борилмоқда.

Металлургия соҳасида янги технология ечимларни илгари суришга қўллаш олимпардан кўплаб илмий изланиш ва оғир меҳнатни талаб қилади. Унинг натижаси ўларок, sanoat, бизнес ва илм-фан ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик роли ошиб бораверади ҳамда халқаро алоқалар ривожланади. Ушбу тенденциялар фондида минтақа металлургиясининг янги қиёфаси шаклланади. Унинг асосий хусусиятлари эса бугун биз мамлакатимиз мисолларида ғувоҳи бўлаётганимиз — жаҳон стандартларига мос, сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва sanoat тармоқларига жорий этишда намоён бўлади.



бўлади. Бу кам майдонда узум парвартириш, бир неча баробар кўп фойда олиш мумкин, дегани.

Хориждан олиб келинган узум навлари яна қатор афзалликларга эга. Данаксиз ванесса нави 29 даража совуққа чидамли. Янги навларнинг яна бир афзаллиги, хосилга кириш муддатининг қисқалиги. Ромулус нави 115-125 кунда ҳосил беришни бошлайди.

— 2021 йил апрель ойида Президентимиз топшириги асосида мамлакатимизда мавжуд бўлмаган узум навларини чет элдан олиб келиш ҳамда уларни маҳаллийлаштириш учун Алкоғол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан миллий марказга 10 миллиард сўм ажратилди, — дейди мазкур агентлик директори Раҳимжон Бобоев. — Миллий марказ топшириқни тўлиқ бажариб, узумнинг тезлишар ва экспортбоп навларини олиб келиб, маҳаллий шароитда кўпайтири. Биз келгусида узумнинг винобоп навларини экиш, плантациялар яратиш, экспортбоп маҳсулот етиштиришни режаллаштирганмиз.

Мутахассислар фикрича, хориждан келтирилган навлар кўчатлари совуқ ва касалликларга чидамлилиги ҳамда экспортбоплиги билан ажралиб туради. Шардоне, каберне-совиньон, каберне-фран узум навлари Франциядан келтирилган бўлиб, винобоп ҳисобланади. Венгриянинг энг экспортбоп тоқай нави ҳам кўпайтирилмоқда. Грюнер, вельтлинер, ротер вельтлинер эса Австриядан келтирилган. Хўраки узумлардан сувенир, ванесса, венус, химрод ҳам парвартириляпти. Улар данаксиз ва ихчам узум навларидир. Бундай узумлар шу даражада чидамлики,

касаллигига қарши кимёвий усулда курашишга ҳожат йўқ. Ана шундай хусусиятлари учун ҳам Европада бозорбоп. Бу узумларни 1,5 ойгача бемалол сақлаш мумкин.

— Мамлакатимизда 160 минг гектар ерда узумзор бўлган бўлса, шу йил 21 минг гектар янги тоқзор яратишга эришилди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори ўринбосари Маъмуржон Абдуллаев. — Натиджада узумзорлар 181 минг гектарга кенгайди. In vitro усулида ҳам узум кўчати олинапти. Буни томорқа ер эғаларида тарқатамиз. Эски навлар ўрнига хориждан келтирилган навлар экилиши ҳўсибига самардорлик ҳамда экспорт ҳажми ошишига эришилади.

Ҳа, узумчилик тармоғида янги давр бошланмоқда. Мамлакатимизда ушбу соҳа тараққий этган давлатлар тажрибаси таътиб этилади. Натиджада дастурхонларимизга ўзгача таъмага эга энг сифатли узумлар етказилади. Шу билан бирга, хорижа рақобатбардор маҳсулот экспорт қилиниши ҳўсибига катта даромад олинади. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз иқтисодий раванқига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

66

АЙНИ ПАЙТДА САМАРҚАНДЛИК ЎЗБЕК ҚИЗИ ГЕРМАНИЯДАГИ БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ТАШКИЛОТИДА ИШЛАЙДМИ. МАШАҚҚАТЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, БУ ФАОЛИЯТ УНГА ЖУДА ЁҚАДИ. ОИЛАСИДА МУАММОСИ БЎЛГАН БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ АСОСИДА У ГЕРМАНИЯНИНГ ИЧКИ ҲАЁТИНИ ЎРГАНДИ. ОИЛАСИ ВА ТАРБИЯСИ ОГИР БОЛАЛАР, ЎСМИРЛАРГА ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШДА МИЛЛИЙЛИГИМИЗГА ТАЯНАДИ.



Кўча боласига айланади. Шу пайтда ота-онанинг меҳри, эътибори етмайди уларга. Биз эса айтишу паллада жуда хушёр бўлишни, боламизни турли ҳолатлардан эҳтиёт қилишни ўйлаймиз. Германияда ота-оналик вазифасидан маҳрум бўлганлар қанча. Улар бу нарсани оддий ҳолдек қабул қилади. Ёки болалар ота-онадан шунчаки воз кечади.

— Мен бундай ҳолатларга кўникиб қолганман, — дейди ватандошимиз. — Болалар очқандан-очқинг ота-онасини ёмон кўришини айта олади. Ёки ота-онаси ножўя ҳаракат қилиб қўйса, улар устидан дарров полицияга ариза беради. Албатта, немис қонунчилиги асосида

немис-ўзбек жамиятига эга. Айниқса, аёлларни, оила қуриш ёшидаги қизларни қўллаб-қувватлайди, маънавий кўмак беради. Шу йилги Наврўз байрамида жамиятнинг расмий очилиши бўлди. Унда мамлакатимиздаги "Ватандош" фонди вакиллари ҳам иштирок этди. Шахло бу ташкилот билан яқиндан ҳамкорлик қилади, турли тадбирларида фаол. Фонд ва жамият ўртасида меморандум имзоланганидан у ўзи учун эмас, кўпроқ ватандошлар учун қувонди. Чунки бу ерда ўз ўрнига эга бўлган, муваффақиятга эришган ёшлар жуда кўп. Уларни, албатта, қўллаб-қувватлаш ва бир жойга жамлаш керак.



Юртимизда ҳам шу соҳада ишламоқчиман

ҚАЛБИДА ҒУРУРИ ЮКСАК ЁШЛАР

Узоқ Германияда "митти" Ўзбекистон яратган қиз

ростмана ййғлади. Уша куни 1-2 нафар ўзбек билан танишган Шахло Бонндаги Немис-ўзбек жамиятида 10 йилдан зиёдроқ кўнглили сифатида фаолият юритди.

Олийгоҳни тамомлай олсангиз, марра сизники

Германияда олийгоҳга қирмоқчи бўлган чет эл фуқароси немис тилини яхши билиши ҳақида сертификат олиши керак. Бир йил давомида Бонн университетига катнаб, шундай сертификат қўлга киритган қаҳрамонимиз Кельн университетида ижтимоий педагогика соҳаси бўйича таҳсил ола бошлади, минг қийинчиликлар билан университетни тамомлади.

— Германияда ўқишга кириш жуда осон, аммо битириш қийин, — дейди Шахло. — Шунинг учун ўқишга келаётган ҳар бир ватандошга сабр тилайман. Агар университетни тамомлай олса, марра уники. Бу давлатда ҳужжатсиз ҳеч кимсиз. Университетни битира оламанми, мен ҳам давлат ишида ишлайманми, деган хавотирда юрганман. Айниқса, ижтимоий соҳа ўзгариб туради, қонунлар тез-тез янгиланади. Ҳам ўқиб, ҳам амалиёт ўташ, камига, пул топишга улғуриш эса жуда оғир. Чунки амалиёт мобайнида 6 ой кунига 8 соатдан текинга ишлаб бериш керак.

Шахло тирикчилик ўзунг ресторандорда ишлади. Университетда эҳтига яраша тўловлар, чиқимлар буларди. "Шу ерга келдинми, энди ҳаммасини ўзинг эпла", деган маънода ўзини ўзи қўллади.

"Немис болаларига ҳам ўзбекона тарбия бердим"

Айни пайтда самарқандлик ўзбек қизи Германиядаги болаларни ҳимоя қилиш ташкилотиди ишлаяпти. Машаққатли ва масъулиятли иш бўлишига қарамай, бу фаолият унга жуда ёқади. Оиласида муаммоси бўлган болалар билан ишлаш асосида у Германиянинг ички ҳаётини ўрганди. Оиласи ва тарбияси оғир болалар, ўсмирларга тўғри йўл кўрсатишда миллийлигимизга таянади.

Зеро, ўзбекона тарбияга етадигани йўқ. Биз бор меҳримизни болага берамиз, болаларимиз эса кексайганимизда бизга меҳр беради. Аммо тан олиш керакики, биз боланинг мустақил бўлишига жуда кеч имкон берамиз. Ўзининг бошини икки қилишдан ташқари, фарзандларимизга болаларнинг тўйларини ўтказишга, ҳатто рўзгорига ҳам ёрдам бераверамиз. Шахлонинг айтишича, Германияда бундай эмас. Тўғри, улар ҳам болаларига меҳр беради, ҳатто жонини беришга тайёр. Лекин фарзандлар баалоғат ёшига етганидан кейин муаммолар бошланади. Аксариятнинг тарбияси бузила бошлайди.

иш юритамиз. Германияда бола ҳуқуқи биринчи ўринда туради. Болани уриш умуман мумкин эмас. Улар давлат ҳимоясига олинган. Шуларни билсам-да, ўзбеклигимга бораман. Болалар билан сўхбатда уларга "Нотўғри иш қилмасан, уйингга қайт, ота-она энг дебёҳа инсон, уларни ранжитиб бўлмайди, дўстларингни ўзгартир", деган тушунчаларни сингдираман.

Германияда туриб ўзбек оиласини яратиш анча мушкул. Шу боис, Шахло Германияда қўллаб-ўзбек йигит-қизлари оила қуришига ёрдам бериб келяпти. Бу борада у ташкил етадиган тадбирлар ҳам, албатта, муҳим ўрин тутди. Ўзбеклар ундан "қачон яна байрам бўлади", деб сўрашади. Ён муҳими, унга ёрдам берадиган аҳил ватандошлар кўп. Наврўз, Мустақиллик



Бир сандиқ атлас

Шахлога ватандошлар "Германияда 15 йил яшаб ҳам ўзбеклигингча қолгансан. Европа муҳити сенга умуман таъсир қилмаган", дейишади. Балки шундайидир. У ўқиш, ишдан ортиб, давлат тадбирларига ҳам вақт ажрата олади. Немис-ўзбек жамиятидаги 10 йиллик фаолияти давомида миллий тадбирлар ташкиллаштиради. "Юринглар, ўзбеклар билан танишасизлар", деб немисларни ҳам байрамларга таклиф қилди. Ўзи бош бўлиб, ҳар бир байрамга адрасу атласлардан кийиб олар экан, миллий кийимларимизни тарғиб қилаётганидан фахрланди.

— Мақтанаш эмас-ку, бир сандиқ атлас, адрасим бор. Ўзбекистонга борганда ҳар гал миллий либослар тиктириб келаман. Ўзбек қизларимизга ҳам улашиб: "Байрамга шуни кийиб бор, европача кийинма, ўзимизнинг миллий байрам бўляпти. Иложи борича миллий кийинайлик", дейман. Қисқача айтганда, Германияда миллий кийимларни мен каби яхши кўрадиган одам бўлмаса керак, — деб гурурланади Шахло.

Ёш ўзбек қизи 2017 йилдан миллий байрамларни мустақил ташкил эта бошлади. Энди у Германияда ўзининг "Шарқона" номли

байрами, айниқса, кенг нишонланади. Катта қозонларда сумалак қилинади. Бундан унинг ўзи ҳам завқ олади. Баъзан нарчайди. Ахир чет давлатда бир тадбирни ташкиллаштириш, юзлаб ватандошларни бир жойга жамлаш катта куч талаб қилади. Шунга қарамай, Шахло бундан асло нолимайди.

Ўзбекча ош устидаги гурунглари

Шахло тайёрлайдиган самарқандча ош Германиядаги ўзбекларга Самарқандни, Ўзбекистонни эслатади. Баъзан масаллигини олиб келиб, "ош қилиб беринг", дейдиганлар бўлади. Байрамлар эса шундоқ ҳам ошсиз ўтмайди. Акс ҳолда, яхши маънода "нега миллий ошимиз қилинмади?" дейдиган ватандошлар ҳам бор. Улар Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган эмасми, Шахло ҳар қандай инсон ўзи яшайдиган жойининг таомини ўзгача иштаҳ билан ейишини яхши билади. Шуни ўйлаган ҳолда, байрамларда ўзбекининг 3 шил ошини тайёрлашни аънаънага айлантирди: тошкентча, самарқандча ва водича. Аҳил ватандошларнинг ош устиди жам бўлиб, гурунқ қилишларига нима етсин!

— Бир кун барибир Ватанга қайтамиз, — дейди қаҳрамонимиз. — Шунинг учун Ўзбекистонга борганимизда ҳам аёллар, болалар билан боғлиқ бирор соҳада ишламоқчиман. Тўғри, мен ишлаётган соҳа бизда ҳали ривожланмаган, зеро, юртимизда ҳеч бир ота-она боласини шунчаки болалар уйига бериб қўймайди. Илоҳим, бермасин ҳам. Бу йўлда жуда катта хайрли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Меҳрибонлик уйлари ёпилиб, етим болаларни қўллаб оилалар бағрига оляпти. Лекин негадир ажралишлар сони камаймаётганини эшитиб, кўнгли ранжиди кишининг. Шунинг учун ҳам айнан мана шу соҳада давом этиш ниятим бор. Ўзбекистон жадал ривожланиш палласида экан, насиб қилса, ижтимоий соҳада ҳам кўп янгилинишлар бўлади. Ўзимни Янги Ўзбекистонда, янгилашиб бораётган жамиятда аёлларни қўллаб-қувватлаш, болаларни порлоқ келажақка тўғри йўналтириш билан боғлиқ соҳаларда кўряпман.

Ҳар сафар қандайдир янглик

Айни пайтда Германиядан туриб Ўзбекистонга нигоҳ ташлаётган Шахло Халилова ҳам бошқа ватандошлар каби мамлакатимизда кейинги йилларда бўлаётган ўзгаришлар суръати жуда тезлигини қувонч билан таъкидлайди.

— Бу шу юртда яшаётган одамга у қадар сезилмаслиги мумкин. Лекин четга чиқиб, яна Ватанга қайтган одамга ўзгаришлар яққол кўринади. Ҳар йили Самарқандга борганимизда, албатта, бирор янглик кўраман, — дейди у. — Энди "пайнет" чиққан пайтлари кўчаларда "пайнет" деган ёзувларни кўриб, нима экан бу, деб ҳайрон бўлганман. Замонавий меҳмонхона, ресторан, баланд-баланд бинолар, хуллас, бу каби мисоллар жуда кўп. Ҳатто бир гал Самарқанд шу даражада ўзгариб кетганидан уйимга борадиган йўлни тушутира олмаганман хайдовчиға. Айниқса, кейинги вақтларда катта ўзгаришлар бўляпти. Она ватанимга ҳар йили май ойида бораман. Чунки жуда иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмайди. Утган йили борманимизда Самарқандда туризм маркази қурилаётгани. Интернетда ўша марказнинг гўзал қиёфаси, "Боқий шаҳар"ни кўриб ҳайратландим. Инсон барибир шун манзарани ўзи кўрмагунча аслидагидек ҳис қилмайди. Зеро, Самарқанд рўйи замин сайқали, маънавийтаимизни, бунёдкорлигимизни бутун дунёга танитадиган шаҳар бўлиб бораётганидан ниҳоятда гурурланаман.

Ҳа, бугун мамлакатимиз нуфузини, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини дунёга аниқлашда кўхна ва навқирон Самарқанд билан ҳар қанча мақтансан арзийди. Ана шундай замин фарзанди эканидан ҳар он гурур туриб юрган йигит-қизларимиз эса ҳаётда ўз ўрнига эга, халқ қорига ярайдиган инсонлар бўлишига шубҳа йўқ.

Муножат МҰМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

АГРАР ТАРМОҚ

Анджон вилоятининг Марҳамат туманидаги "Ипак кўчат-кластер" фермер хўжалигида пиллачиликнинг озуқа тармоғи — серхосил тут кўчатлари етиштириш, табиий иқлим шароитимизга мос янги навларни маҳаллийлаштириш орқали ҳосилдорликни ошириш йўлида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Айни кунга қадар бу ерда "Марҳамат-2017", "Ўзбекистон", "Янги Анджон" истиқболли тут навлари яратилди.

Кўчатчиликда янгилаштирилган етишмалар

Пиллачиликнинг ривожини кўп жиҳатдан ипак курти озуқа базасига боғлиқ. Бу мавжуд тутлардан самарали фойдаланиш, янги тутзорлар барпо этиш, серхосил навлар яратишни тақозо қилади.

"Ипак кўчат кластер" фермер хўжалиги ташкил этилганига кўп бўлган йил ўтган вақт давомида илмий асосда мавжуд тут навларини танлаш ва чапиштириш йўли билан янги навлар яратиш борасида самарали изланишлар олиб борилди. Шундай илмий тадқиқотлар асосида яратилган

"Марҳамат-2017" янги тут нави бошқаларидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Унинг барглари катта ва ораси тизиг жойлашган бўлиб, ҳосилдорлик юқори бўлишини таъминлайди. Оддий тутнинг бир гектаридан 20 тонна барг олинса, янги навадан 50 тонна ва ундан юқори ҳосил олиш мумкин.

— Бу нав жуда кўп афзалликларга эга, — дейди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Абдуфатто Мусурмонқулов. — Аввало, маҳаллий иқлим шароитимизга мос, товланиб туради, ҳажми

бошқа тут барглиридан бир неча баробар катта, серхосил, тўйимли, юмшоқ ва оксилга бой. Яна бир иқобий хусусияти, узоқ вақт сўлмайди. Ундан йилга уч-тўрт марта ҳосил олиш мумкин.

Шу кунга қадар тутчилик плантацияларида фойдаланиб келинган "Саниш 12", "Саниш 14", "Топкрос" ва "Пионер" сингари тут нави кўчатлари 8X1 метр, 8X2 метр схема асосида экилган. Бу каби плантацияларнинг бир гектаридан 4,2 тонна барг олинди, 5 қути ипак куртини парвартириш мумкин бўлган. Янги нав 1,4X0,5 метр, 1,8X0,4 метр

схемада интенсив усулда экилади. Кўчатлар оралиғи яқин бўлса ҳам, тутнинг энг қуйи қисmidан то тепасигача бир хил ҳосил беради. Натичада 1 гектардан 50 тонна барг олинди, 50-55 қути ипак курти боқишга етади.

Кўчатни пайвандлаш, пиндик қилиш, қаламча ва уруғларидан кўпайтириш мумкин. Бу ерда янги тут навадан олинган қаламчаларни баҳор фаслига қадар сақлашга ихтисослашган советчиликлар қурилди. Тут мевасидан сархил уруғлар ажратадиган янги ускуна харид қилинди.

— Изланишларимиз бу билан чекланиб қолгани йўқ, — дейди Ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори уринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Сайфиддин Валиев. — Утган йили "Марҳамат-2017" оталик тут навидан "Янги Анджон" ва "Ўзбекистон" дурағай навлари яратилди. Бу навлар ҳам серхосиллиги, тўйимлилиги, ипакчанлиги, иқлим шароитимизга мослиги билан ажралиб туради. Ён мақбул жиҳати, улар оналик бўлиб, уруғларидан кўпайтирилади. Жорий йилнинг ўзида пиллачилик кластерлари ва бошқа хўжалиқларга 3,5 миллион тут ана шундай тут кўчати етказиб берилди.

Хўжалик тасарруфидидаги 30 гектар майдонда янги тут навларини кўпайтириш, оналик тутзорларни парваришlash ва қишга тайёрлаш билан боғлиқ мавсумий юмушлар бажаришмоқда.

Яқинда in vitro лабораторияси фаолияти йўлга қўйилди. Янги лаборатория тут навларини саралаш, кўчат сонини кўпайтиришда қўл келади. Масалан, "Марҳамат-2017" нави оталик бўлиб, уни фақат пайвандлаш йўли билан кўпайтириш мумкин. Лаборатория эса бу борада янги имконият эшикларини очди. Энди ушбу навларни лаборатория шароитида кўпайтириш бўлади. Бу мақсадлар учун 30 сотихли иссиқхона қурилди. Натичада тут кўчатларини фақат баҳор ва куз фаслида эмас, балки йил давомида етиштиришга йўл очилди.

— Янги лабораториянинг имкониятлари жуда кенг, — дейди илмий ходим Эргаш Асранов. — Бу ерда ҳар қандай тут нави ва бошқа кўчатлар илмий асосда кўпайтирилади. Янги лаборатория шароитида ундирди олинган навлар муайян вақтдан сўнг иссиқхонага қўйилиб, эрта баҳоргача сақланади. Бу жараён узлуқсиз амалга оширилиб, талаб ва таклиф асосида кам жойдан кўп миқдорда сархил тут кўчатлари етказиб беришда қўл келади. Бундан ташқари, лаборатория шароитида устирилган тут навлари пайвандланган навларга нисбатан эрта ҳосилга қиради. Пайвандланган кўчатлар уч йилда, лаборатория шароитида ўсган ниҳоллар эса бир йилда ҳосил беради.

Кластер хўжалигида етиштирилаётган тут кўчатларига талаб ички ва ташқи бозорда юқори. Шу мақсадда кўчатларни кўпайтириш ва хорижга экспорт қилиш борасида ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хусусан, Қозғонистондаги "Асус ойл" компанияси билан 2 миллион 400 минг тут кўчат етказиб бериш юзасидан дастлабки шартнома имзоланди.

Сирасини айтганда, кластер хўжалигида пилла озуқа базасини ривожлантириш, оналик тутзорларни барпо этиш, янги тут навларини яратиш борасидаги изланиш ва ташаббуслар кундан-кунга қўлч ёймоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири





17 ДЕКАБРЬ – ОГАҲИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

МИРОБЛИК, ИЖОД, ИЛМ МАШАҚҚАТЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Хонликда махсус “беғор” солиғи қўлланилган. Ушбу солиқ сувдан фойдаланадиган ҳар бир хонадон учун мажбурий бўлган. Сувни ҳаёт манбаи деб билган ҳар бир хонадон эгаси йилнинг куз фаслида ариқ ва каналларни тозалашга жалб этилган. Қазувни бевосита хон, кейин мироб бошлаб, халқ давом эттирган. Уша даврларда сув сатҳи ер юзасидан паст бўлгани учун мироблар сувни юқорига кўтарилган қурилма — чигирдан фойдаланганлар. Натижада ариқ, канал (еп) сувлари анча баландга кўтарилиб, керакли жойларга чиқарилган ва йўналтирилган.

Огаҳий ана шу масъулиятли вазифада фаолият кўрсатган ва Хива хонлиги тарихида узок йиллар мироблик шажарасини давом эттирган сулола вақили. Унинг бобокалони Жиянийи Хоразмнинг бош мироби бўлган. Зеро, ушбу оила хонлар сулоласига қариндошлиги боис нуфузли саналарди. Жиянийидан сўнг унинг авлодлари хонликда мироблар сулоласини давом эттиради.

Шоир ва муаррих Мунис 1809 йил 17 декабрда туғилган жияни Мухаммадризо, хоразмчасига айтганда, Матризога оталик қилган, деса ҳам бўлади. Чунки кейинчалик Огаҳий тахаллусини танлаган шоирнинг уч ёшида отаси вафот этган, тоғаси — мироб ва шоир Мунис Хоразмий уни асраб олганди. Шоир тоғаси Муниснинг таълими боис, Огаҳий ҳам ижодга ихлос қўйди. Араб, форс, турк тилларини ўрганди, мадрассада тахсил олди.

“Таввиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) девонда Огаҳий ўзи ҳақида бундай ёзди: “Фоқир абан анжод Хоразм мамлақати султонларининг давлатҳо умароси зубдаларидин ва ўзбекия тавоифидин юз дудамони умдаларидин мироблик

Натижада атиги бир лаҳзагина олдин экиблиб турган ер бўтанага айланади, ҳудудни сув босади. Айнан ана шундай ўпирилиш-тошқинларнинг олдини олиш учун дарё қирғида дамбалар кўтариб, мустаҳкамлаш қадимдан ўта масъулиятли вазифа бўлиб, бу ишга бош мироб бошчилик қилган. Дамбаларни кўтарганда назорат қаттиқ бўлиб, тупроққа бирорта чўп-ўтин аралашмаслигига эътибор қаратилган. Чунки сичқон изидаги ернинг ўпирилиб кетиши фожиани — сув тошқинини келтириб чиқарган.

Дамбалар дарё қирғоғи бўйлаб бир неча қаторлаб, миробларнинг аниқ ҳисоб-китоблари асосида қурилган. Дамбанинг пастдан юқоригача кенлиги 15-18 метр, усти эса 8 метргача, дарё сатҳидан 3-4 метр баланд этиб кўтарилган. Дамба кўтариш, арна, ёлпарни қазашга хонликдаги барча эркаклар жалб этилган.

Огаҳий хазратлари 36 ёшида — 1845 йили хонликдаги қазув ҳаракати авж олган пайтда отдан йиқилиб, оёғи сингани боис, бир оз оқсоқлаб юрган. Қолаверса, мироблик иши ғоят қийин вазифа бўлиб, сув муаммоси, низо-жанжалларни бартараф этиш ҳам унга боғлиқ эди.

Мухаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ана шундай серғалва, айни пайтда савобли ва нуфузли амалда ишласа-да, ҳаммisha ижод билан шуғуллиниша вақт топди. Авлодларга ўн саккиз минг мисра газал, йигирмага яқин тарихий ва таржима асар ёзиб қолдирди. “Тулшани давлат”, “Риёз-ут-давлат”, “Зубдат-ут-таворих”, “Жомеъ-ут-воқеоти Султоний” каби тарихий асарлари Хоразм тарихининг қўллаб-ноаниқ бўлиб келаётган даврларидаги воқеаларни ойдинлаштирди.

Таъқидлаш жоизки, мазкур асарларда халқ ҳаётидан кўра, кўпроқ ижтимоий-сиёсий воқеалар,

1863 ЙИЛИ ХОНЛИККА КЕЛГАН ҲЕРМАН ВАМБЕРИ ҲАМ ШАХСАН ОГАҲИЙ БИЛАН ТАНИШИБ, УНИНГ ВА ТОҒАСИ МУНИСНИНГ АСАРЛАРИНИ ЕВРОПАГА ОЛИБ КЕТГАН ЭДИ. ОГАҲИЙ АСАРЛАРИНИНГ ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИДАН ТАШҚИРИГА ҲАМ ДАРҚАЛИШИ 1873 ЙИЛДАГИ ЧОР ҲУКУМАТИ ИСТИЛОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ, ХОНЛИК МАҒЛУБЛИК АЛАМИНИ ЧЕККАН ПАЙТДА ОГАҲИЙ ҲАЁТ ЭДИ.

мансаби олийсига мансуб ва садришчилик мартаби мувофиқасига мансубдурман”. Яъни шоирнинг аждодлари амрлар (хонлар) сулоласидан ва ўзбеклар тоифасининг юзлар уруғидан, мироблик мансаби олийсига мансуб ва улуг мансабдорлик мартабасига боғлиқ, деганидир.

Мухаммадризонинг таваллуд топган уйи Ичанқалъадан тахминан беш-олти чақирим узокдаги Қиёт қишлоғида (ҳозирги Хива — Қушқўлпир йўлининг чап тарафида) бўлган. Огаҳий мироб бўлгани боис, ўз уйи атрофини боғу роғга айлантирди ва не ажабки, бугун унинг ўз кўли билан эккан тут дарахти сақланиб қолган. Теварак атроф эса худди Огаҳий яшаган даврдэгидек боғзор ва гулмўзордан иборат.

Мунис 1829 йилда вафот этади. Шундан сўнг Огаҳий тоғасининг ўрнига хонликнинг бош мироби этиб тайинланди. У мироб ёрдамчиси, бош мироб сифатида ишлаган даврларда Хоразмдаги бутун ариқ, ёлпарни тозалатиш, янги сув йўлларини қаздириш билан шуғуллидди.

Уша даврлардаму Хоразмнинг ерлари шўр, кеч қуздан эрта баҳоргача уч-тўрт марталаб шўри ювилмагунча ҳосил олиш қийин бўлган. Ерларга дарёдан арна (анҳор)га, ундан ёлпар орқали далага сув чиқаришнинг ўзи бўлган. Бундай ғоят масъулиятли ишларга эса мироблар бошчилик қилган. Хонликдаги мироблик ишлари, умуман, сув муаммосини бартараф этиш эса бош мироб Огаҳийнинг зиммасидаги юксак вазифа эди. Табиийки, бош мироблик вазифасига ишбилармон, ер ҳолатини, сув йўлларини яқши биладиган, дала-сув йўлларида юришга лаёқатли, соғлом инсон тайинланган.

Сунъий сўғоришга мўлжалланган арна, ёлпарни қаздириш, хар йили куз ва эрта баҳорда Амурдерёнинг лойка сувидан каналлар тувиға ўрнашиб қолган чўкиндиларни тозалатиш ундан-да катта машаққат, наинки экин майдонларини, балки хонлик ҳудудини дарё тошқинидан сақлашга ҳаракат қилиш бош миробнинг зиммасида эди. Хоразмда дағиш деганда, дарёнинг тошқинидан содир бўладиган ўпирилиш, катта офат назарда тутилган. Бэъзида жўшқин Жайҳундарё қирғоғини тағидан ўпириб, 30-40 метрлаб жойни ютиб кетади.

аксарият ҳолларда ҳукмдор билан боғлиқ воқелиқлар ёритилган. Табиийки, бу услубни ўша замон таомилдан келиб чиқиб қабул қилмоқ лозим. Зеро, мудом хон ёнида юрган миробнинг асарида шу ҳолат учраши табиий ҳол эди. Огаҳий яшаган даврда саккиз нафар хон Хивага ҳукмронлик қилган. Табиийки, саккиз хил бошқарув, саккиз хил муҳитда яшаш, ижод қилиш Мухаммадризо учун осон эмасди. Умуман айтганда, Огаҳий асарлари Хоразм тарихнавислигидаги энг катта салоҳиятли манбалардир.

1863 йили хонликка келган Ҳерман Вамбери ҳам шахсан Огаҳий билан танишиб, унинг ва тоғаси Муниснинг асарларини Европада оlib кетган эди. Огаҳий асарларининг Шарқ давлатларидан ташқарига ҳам тарқалиши 1873 йилдаги чор ҳукмати истилоси билан боғлиқ. Хонлик мағлублик аламини чеккан пайтда Огаҳий ҳаёт эди. Истилодан сўнг хонликка келган рус шарқшуноси А.Н.Кун Огаҳий асарларини “Туркестанская ведомости” газетаси саҳифаларида ёритган. Кейин бир неча асарларини таъдиқ этиш учун Москва ва Петербург шаҳарларига олиб кетган.

Гарчи Огаҳий касаллик туфайли 1874 йилда вафот этган бўлса-да, унинг мироблик даврида қаздирилган, тозалатган ёл, ариқ ва каналлари, яратган асарлари ва эккан тути бугун ҳам барҳаёт. Огаҳий яшаб умргузаронлик қилган ҳовли эса уй-музей ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Боғу роғга бурканган, асрий гулмўзорлар ёнидаги уй-музей рўпара-сида эса 2019 йилда Огаҳий номидаги ижод мактаби ташкил қилинди. Ҳа, ислоҳотлар давридаги маънавиятга, адабиётга эътибор боис, Огаҳий яшаб ўтган қадим диярда ўзига хос уйғунлик юзга келди. Уйлаймики, Огаҳий ижод мактабидан мироб, шоир ва таржимоннинг издошлари этишиб чиқади ва улар ҳам ўз фаолияти билан юртимиш тараққиётга муносиб ҳисса қўшади.

УМИД БЕКМУҲАММАД,
Хоразм Маъмун академияси катта илмий ҳодими,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

БОҲИЙ МЕРОС

Фозил шоир ҳақида кўп ва ҳўб ёзилган. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб китоблар чиқарилган, дostonлари нашр этилган, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган. Ушбу бой маданий мерос бугунги кунда ҳам ижтимоий муҳитимизга ўзгача кайфият беради. Ҳатто давраларда кимдир чиройли, равон шеър ўқиса, “Э, Фозил шоир бўлиб кет-э”, деб алқашади. Улуғ оқин 1872 йилда Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги Лойка қишлоғи (ҳозирги “Соҳибқор” фуқаролар йиғини)да бахши-шоир Тўхтамурад оиласида дунёга келди. Ота-онаси унга ақлли, қобил, иқтидорли маъноларини англагучи Фозил деб исм қўйди.

ДЎМБИРАМ КУЙЛАДИ

Қирқта дostonни ёд билган истеъдод

МЕНИНГ ҲОЛИМНИ...

ёхуд ўзбек халқининг Гомери

Бахшилик ва фаросат, ақл ва заковат Фозилга отасидан ўтгани аён. Лекин унда Худо берган истеъдод — кучли хотира ҳам бўлган. Афсуски, тақдир Фозилни сийламади. Тўрт ёшга кирганда отасидан жудо бўлди. Тўхтамурад шоир вафотидан сўнг унинг турмуш ўртоғи акалари қистови билан қишлоқдан кетди.

Тақдир чорраҳасида ёлғиз қолган бўла-жак шоир етти ёшидан қишлоқ атрофидаги Исқандар, Одил, Шодийёр, Дониёр исмли бойлар эшигида хизмат қилди. Онаси ва тоғалари уйни сотиб кетгач, қўшниларникида яшади, лекин ижара пулини тўлай олмади, бойларнинг оғилхоналаридан бошлана топди. Бир бурда нон учун уларнинг молини боқди.

Халқимизнинг меҳр ва олижаноблик фазилати унинг тақдирда ҳам муҳим роль ўйнади. Боладаги иқтидор, интилиш, сабр-қаноатни кўрган саҳий инсонлардан бири — Йўлдош бобо Маматқулов уни ўз қарамоғига олади. Қараса, ҳамма ишни бинийдек қилади, сал бўш қолса, дoston айтади, отасини эслади. Бу эса Йўлдош бобoga маъқул тушди. Мавриди келганда бобо Фозилни ўз қизига уйлантирди. Фозил шу ерда бахтини, ижодини ҳақиқатда бобoga чекиз миннатдорлик сифатида “Йўлдош ўғли” нисбасини қабул қилди.

Фозил Йўлдош ҳеч қаерда ўқимаган. Гарчи саводсиз эрса-да, жуда катта хотира эгаси бўлган. Дostonларнинг ўнлаб вариантлари ёддан билган, ҳар бир дostonни у ёки бу минтақанинг руҳиятига қараб, ўзгартириб айта олган. Шу боис бўлса керак, таниқли фольклоршунос олим, профессор Ҳодий Зариф оқин ҳақида “Фазилатли шоир, ўтмиш халқ оғзаки адабий меросидан қирққа яқин дostonни ёддан билиши билан ажралиб туради. Уни ҳақиқ равишда ўзбек халқининг Гомери дейиш мумкин”, деган эди.

“Очил дов” — халқнинг жасоратли ўғлини

Бахши-шоирнинг “Жиззах кўзгалони” дostonи ҳам ўз вақтида адабиётшуносларнинг катта эътирофига сазовор бўлган. Дoston Чор Россияси даврида 1916 йилда аҳолининг мардикорликка жалб қилиниши муносабати билан халқимиз норозилиғи ҳақида ҳикоя қилади. Буни шоир миллий оғодлик курашининг бошланиши сифатида тасвирлади.

Албатта, “Жиззах кўзгалони” тоталитар тузум даврида нашр этилган. Шунинг учун ҳам у ўша давр мафқурасига мослаб ўзгартирилган.

Шоирнинг “Очил Дов” дostonи Ҳодий Зариф томонидан ёзиб олинган. Унда ҳам Самарқанд ҳудудидан рус империясига қарши халқ кураши тасвирланган. Бу халқ қаҳрамонларини эса кейинчалик большевиклар “босмачи” деб атади. Асарда Самарқанд вилоятининг Булунгур, Жомбой, Ғайлар, Оқдарё, Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғалазорлик туманларидаги тарихий воқеалар, Килдон, Муғол, Чўянтапа, Кафтархона, Соболоқ, Ингичка, Хўжамазғил, Қоракўрсок, Чўёнгал, Оқтепа каби қишлоқларда яшаган, халқ



“Алпомиш” дostonи кимники?

Зийиллар даврасида кўпгина “Алпомиш” дostonи кимники? деган савол атрофида мунозаралар кўзиди. Албатта, халқники. Ушбу дostonни бошқа кўллаб халқлар ҳам ўзиники деб билади. Дostonнинг минг йиллиги муносабати билан “Ўзбеккино” томонидан “Алпомиш” бадиий фильми ҳам суратга олинди. Мазкур асар Урта Осиёда яшовчи халқларнинг босқинчи ва эопимларга қарши матонатли кураши ҳақида ҳикоя қиладики, бунда жуда кўп улус иштирок этган.

Бизда ҳам бу дoston йиллар давомида турли бахшилар томонидан турлича вариантларда айtilган. Аслида, “Алпомиш” уни меъёрига етказиб, яқши ижро этганини, асар руҳини шуурига жойлаш олган халқникидир. Фозил Йўлдош ўғли Амин шоир, Чини шоир, Товбузар шоир, Қурбонбек шоир, Султонмурод шоир, Йўлдошбўлбул, Йўлдош шоир, Қоракўрсок, Суяр каби Булунгур дostonчилик мактабидан келган пешқадом дostonчилари адабий анъаналарини билан давом эттириб, ўзбек дostonчилигини янги босқичга кўтарган бахши шоирлардан биридир. У 40 дан ортиқ халқ дostonларини ёд билган ва юксак маҳорат билан куйлаган.

Ундан “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Муродхон”, “Рустамхон”, “Ширин билан Шакар”, “Гурўглининг туғилиши”, “Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши”, “Маликаи айёр”, “Машиқо”, “Зулфизар”, “Балогардон”, “Интизор”, “Нурали”, “Жаҳонгир”, “Зевархон”, “Ошиқ Ғариб” каби 30 га яқин дoston ёзиб олинган. Бизгача етиб келган “Алпомиш” айнан Фозил

БАХШИ ҚОРАКЎЛ ТЕРИДАН ТИКИЛГАН ТЕЛПАК, САРГИШ ЧИЗИҚЛИ БЕКАСАМ ТЎН ВА ДОИМО МАҲСИ-КОВУШ КИЙГАН.

ЎЗ ФИКРЛАРИНИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ДОНО МАҚОЛЛАРИ, ИБРАТЛИ АФОРИЗМЛАРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАШГА ИНТИЛГАН. ФОЗИЛ ШОИРНИНГ ЯНА БИР ХУСУСИЯТИ — У ЁЛҒИЗ САЙР ҚИЛИШНИ ХУШ КЎРГАН.

Қоракўл телпак, беқасам тўн кийган шоир

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ҳам Фозил шоир ижодига эътибор сусайган эмас. Чунки давлат ҳам, жамият ҳам унинг асарлари оданлар руҳига ижобий таъсир қилишини тушуниб етган. Шу сабабли Лойка қишлоғидаги мактабда 1947 йилда шоирнинг 75 йиллик юбилеи нишонланган. Уни Тошкентдан келган олимлар, адиблар табриклаган. Шоир кўксига ўша даврнинг энг олий мукофоти — Ленин орденини тақиб қўйишган.

Мазкур тадбир қатнашчиларидан бири, кейинчалик шоирнинг уй-музеий ташкилотчиси Мелибой Раҳимов бундай хотира ёзган: “Ушанда шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Маросимда шоирга бағишланган шеърини ўқиб берганим, атоқли адиб Асқад Муҳтор ёнимга келиб: “Фозил Йўлдош ўғли оғзаки ижтимоийннинг ноёб истеъдодидир. Уни асраш, бебаҳо меросини ўрганиш керак”, деган эди.

Бахши қоракўл теридан тикилган телпак, сарғиш чизикли беқасам тўн ва доимо

маҳси-ковуш кийган. Ўз фикрларини халқимизнинг доно мақоллари, ибратли афоризмлари билан тасдиқлашга интилган. Фозил шоирнинг яна бир хусусияти — у ёлғиз сайр қилишни хуш курган.

Фозил шоир нафақат қадимий дostonлар ҳикоячиси бўлган, балки унинг ўзи ҳам халққа маъқул асарлар ижод қилган. “Маматқарим полвон”, “Кунларим”, “Жанчи ўғлимга”, “Элат ботир”, “Ота насихати”, “Жаҳон тинглағай”, “Болаларимга”, “Пушкинга”, “Зулфизар”, “Маликаи айёр”, “Зулфизар ва Аббосхон” кабилар шулар жумласидан.

Шоирнинг бир ўғли, уч қизи бўлган. Ўғли Ҳудойберди 5 ёшида касалликдан вафот этган. Мелихон, Мақтуба ва Ҳайитгул исмли қизларининг невараларидан айни пайтда Булунгур ва Бахмал туманларининг турли ҳудудларида истиқомат қилади.

Қалбларга қайтаётган ноёб мерос шуъласи

Фозил Йўлдош ўғли ўзбек халқ оғзаки ижодида чукр из қолдирган бахши. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 апрелдаги қарорига қўра, Фозил Йўлдош ўғлининг 150 йиллиги юртимизда, хусусан, бахши туғилиб ўсган Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида кенг нишонланмоқда. Сана муносабати билан туманда унинг номи билан боғлиқ масканлар обод этилиб, буюк оқин ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, ижодини кенг тарғиб этиш ва адабий меросини оммалаштиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар утказилмоқда.

Айтиш жоизки, вилоятимизда бахши шоир таваллудини кенг нишонлаш чора-тадбирлари доирасида Фозил Йўлдош номи билан боғлиқ объектларни қуриш ва таъмирлаш ишлари учун вилоят бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобидан 4,7 миллилар сўм маблағ ажратилиб, кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бошланган эди. Бахши яшаб ўтган маҳалладаги эски уй-музейи ўрнида кўркам ёдгорлик музейи қад ростилади. Унда Самарқанд бахшичилик мактаби, хусусан, Фозил Йўлдош ўғли ҳаёти ва ижодига оид экспонатлар, туманининг фольклор гуруҳлари фаолияти, эришган ютуқлари кўрагасми ташкил этилган.

Қисқа вақт ичида янги уй-музей қуриш билан бирга унинг ёнида жойлашган 2-сон маданият уйи биноси ҳам тўлиқ қайта таъмирланди.

Ёрматм Рустамов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмшаси аъзоси

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририят: ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавоблар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Бомаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1264.
80849 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бомаҳонасида чоп этилди.
Бомаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улугмурадов
Мусаҳҳиш: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎЗА якуни — 00-50 Топшириғди — 01-01